



Ислом Нури

«Умра кейинги умрагача ўртадаги гуноҳларга каффоратдир. Мабрур (мақбул) ҳажнинг жаннатдан бошқа мукофоти йўқдир» (Муттафақун алайҳ).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Умра кейинги умрагача ўртадаги гуноҳларга каффоратдир. Мабрур (мақбул) ҳажнинг жаннатдан бошқа мукофоти йўқдир» (Муттафақун алайҳ).

«Умра кейинги умрагача ўртадаги гуноҳларга каффоратдир. Мабрур (мақбул) ҳажнинг жаннатдан бошқа мукофоти йўқдир» (Муттафақун алайҳ).

Ибн Аббос розияллоҳу анхумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ансорлардан бўлган бир аёлга: «Биз билан бирга ҳаж қилишдан сизга нима монеълик қилди?» деб сўрадилар. У: «Бизнинг иккита туямиз бор эди, биттасида боламнинг отаси ва ўғлим ҳажга кетишди, биттасини сув (суғориш)га ишлатиш учун бизга қолдирди», деди. «Рамазон ойи келса, умра қилинг. Чунки, ундаги умра ҳажга баробардир», дедилар (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Умра улкан ибодатлардан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга тарғиб қилганлар ва у гуноҳларга каффорат бўлишини хабар



берганлар. Агар Рамазонда умра қилинса, фазилатли вақтда қилинган бўлиб, ажри ва фазли яна-да кўп бўлади ва ҳаж қилгандек савоб берилади. Ажрда ҳажга баробар бўлсада, фарз ҳажнинг ўрнига ўтмайди. Рамазоннинг қайси кунларида умра қилинса ҳам ушбу фазилатга эга бўлинади, уни охириги ўн кунликка хосланмайди.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Умранинг фазилати;
2. Рамазонда қилинган умра савоби ҳажнинг савобига баробар бўлиши.